

DETERMINING THE SIGNIFICANCE OF AUDIT INVESTIGATIONS BASED ON INTERNATIONAL STANDARDS

N.Xasanova

Assistant of Financial Analysis and Auditing,
Tashkent state university of economics

Хорижий мамлакатларда иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида аудиторлик текширувини режалаштириш ва ўтказишни халқаро стандартлар асосида ташкил этишга қаратилган кўплаб илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Халқаро аудиторлик амалиётида олиб борилган тадқиқотлар натижасида аудиторлик текширувини ташкил этишнинг тартиб-таомиллари, аудиторлик rischi ва муҳимлик даражаларини аниқлаш ҳамда rischi пасайтириш йўллари ишлаб чиқилган, ишончли аудитор фикрини шакллантиришда далиллар етарлилигини баҳолаш ва текширув натижаларини тақдим этишда ягона услубий тартибга эришилган, ХАС (халқаро аудит стандартлари) талабларига мос келувчи аудиторлик ҳисоботи ва хулосасини шакллантириш масалалари илмий жиҳатдан асосланган. Мазкур тадқиқотлар натижасида АҚШнинг умумқабул қилинган принциплари (GAAP), молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва ХАС қоидаларини ўзаро мувофиқлаштиришга эришилиб, аудиторлик ҳисоботи ва хулосасининг стандарт шакллари ҳамда аудит ўтказиш услубияти тавсия этилган. Ҳозирги жаҳон аудиторлик амалиётида текширувларни халқаро меъёрларга мувофиқ ташкил этиш ва ўтказиш, аудитни автоматлаштириш ва аудит натижаларини ҳужжатлаштириш масалалари комплекс тарзда ўрганиш ишлари олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги ПҚ-3946-сон “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ушбу фаолиятнинг халқаро стандартлар асосида ўтказилишини йулга қуйиш учун туртки бўлди.¹

Аудитда муҳимлик қоидаси кўп масалаларни ҳал қилиш учун пойдевор, ўзига хос қафолатдир. Бу қоида аудит босқичлари ўртасида, аудиторлик амаллари ҳажми ва мазмунини ўртасида, тўпланган аудиторлик далилларини баҳолаш қоидалари ва аудиторлик хулосасининг шакли ўртасида мантикий изчиликни шакллантиради. Муҳимлик йўл қўйиш мумкин бўлган хато ҳажмини ва оқибатда аудиторлик хулосасини тузиш шаклини белгилайди.

Муҳимлик даражасини баҳолаш аудиторлик текширувининг муҳим босқичларидан бири бўлиб ҳисобланади. Унинг малакали амалга оширилиши нафақат сифатли аудиторлик ҳисоботи ва хулосаси тузиш, балки аудиторлик ташкилоти каби, мижоз-ташкилотнинг ҳам барқарор ривожланишига замин яратади. Аудиторлик текширув муваффақиятли яқунланиб, солиқ органлари томонидан мижоз-корхонага эътирозлар билдирилмаса, аудиторлик ташкилоти нафақат даромад олади, унинг обрў-эътибори ҳам ошади, натижада, аудиторлик ташкилоти ўз мижозларини сақлаб қолишга ва янгиларини орттиришга, ҳамда аудиторлик хизмати бозорида юқори рейтингга эришишга муваффақ бўлиши мумкин.

Муҳимлик даражасини аниқлаш тартиби МҲХСларига нисбатан Аудитнинг Халқаро Стандартларида (АХС) кенгрок ёритилган. Хусусан, 315-сонли “Муҳим бузиб кўрсатишлар riskларини тадбиркорлик субъектини ва унинг муҳитини билиш асосида аниқлаш ва баҳолаш”, 320-сонли “Аудитни режалаштириш ва бажаришда муҳимлик”, 450-сонли “Аудит жараёнида аниқланган бузиб кўрсатишларни баҳолаш”, 600-сонли “Махсус кўриб чиқишлар – гуруҳ молиявий ҳисоботларининг аудити (жумладан компонент аудиторлари ишлари)” номли Аудитнинг Халқаро Стандартларида ёритилган.

Молиявий ҳисоботлар аудитини ўтказишда аудиторнинг умумий мақсадлари молиявий ҳисоботда фирибгарлик ёки хатога йўл қўйилиши натижасида муҳим бузиб кўрсатишлар бор-йўқлиги хусусида аудиторга молиявий ҳисобот барча муҳим жиҳатларда молиявий ҳисоботни

¹ МЕЛИЕВ ИСРОИЛ ИСМОИЛОВИЧ «АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ВА ЎТКАЗИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ» докторлик диссертацияси 2019-йил 5бет

тақдим этишнинг қўлланиладиган асосига мувофиқ тайёрланганлиги тўғрисида ўз фикрини билдириш; молиявий ҳисобот бўйича ҳисобот (хулоса) чиқариш ва аудит натижаларига мувофиқ АХС талаб этган ахборотни тақдим этиш имконини берадиган оқилона ишонч ҳосил қилишдан иборат.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш мумкинки, молиявий ҳисобот учун муҳимлик даражасини белгилаш ва қўллаш унинг тўлиқлигини, ишончлилигини, тушунралилигини, шаффофлигини ҳамда таққосланувчанлигини таъминлаб, уни миллий ҳамда Халқаро аудит стандартлари асосида ёритишда малакали мутахассислар корхона фаолиятига ҳолисона баҳо берилганлигига асосланиб ташқи фойдаланувчилар тўғри қарорлар қабул қилинишини таъминлайди.

Фойдаланилган Адабиётлар Рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги фармони ПФ-4720, 2015 йил 24 апрель, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 17-сон, 204-модда
2. МЕЛИЕВ ИСРОИЛ ИСМОИЛОВИЧ «АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ВА ЎТКАЗИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ» докторлик диссертацияси 2019-йил 5-6-бет
3. Азизов Ш., Юлдашева С. Международный аудит. Учебное пособие. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2013.
4. Арабян К.К. Организация и проведение аудиторской проверки: учеб. пособие. – М.:Юнити-Дана, 2009
5. Lex.uz